

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
ТОМ 6, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST  
VOLUME 6, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2023

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобоҷонова Дијором Бобоҷонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА Тарих институти

**Аззамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзРФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори,  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қызлар давлат педагогика  
университети

**Ульяева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент ким - технология институти

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши мұхандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боҳодир Жӯраевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши давлат университети

**Махкамова Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент аҳборот технологиялари  
университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозогистон дипломатия академияси

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллаҗон Нуриддиновиҷ**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Саипова Камола Давлаталиевна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмайлова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Дөгистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Ўзбекистон Миллий университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов.** [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of** [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

<b>1. Елкей Нурлибек</b> ХАЙРЕТДИН БОЛГАНБОЕВ-ҚОЗОҚ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДАГИ АФСОНАВИЙ ШАХС.....	4
<b>2. Нодира Бабаджанова</b> ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ТАРКИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР (1946-1991 йиллар).....	10
<b>3. Нилюфар Джураева</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ (совет даври ва мустақиллик йиллари мисолида).....	22
<b>4. Gulhayo Ibadullayeva</b> QAYTA QURISH YILLARIDAGI IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLARNING XALQ MUROJAATLARIDA AKS ETISHI.....	37
<b>5. Shohruhbek Mamadaliev</b> XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDAGI OCHARCHILIK VA OCH BOLALAR MASALASINING MATBUOTDAGI SADOSI.....	42
<b>6. Файратжон Сотиболдиев</b> ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	48
<b>7. Аъзамжон Тошбоев, Саидаҳмадхон Ғайбуллаев</b> НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ.....	54
<b>8. Жахонгир Тожибоев</b> ТУРКИСТОНДА ҲАРБИЙ АСИРЛАРГА МУНОСАБАТ: ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР.....	60
<b>9. Икромжон Умаров</b> “БҮЁ” ТОПОНИМИ ТЎҒРИСИДА.....	66
<b>10. Малоҳат Умирзакова</b> ТУРКИСТОН АССРДА ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ.....	72
<b>11. Уктам Ҳужаниязов</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ ИСТИҚБОЛИ (Қорақалпоғистон Республикаси давлат музейлари мисолида).....	79
<b>12. Дилшод Ҳолмуродов</b> ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДА ҲУДУДЛАРАРО ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....	85



ISSN: 2181-9599  
www.tadqiqot.uz

**Нилуфар Далибаевна Джураева,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири,  
тарих фанлари номзоди, доцент

## ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МУНОСАБАТ МАСАЛАСИ (совет даври ва мустақиллик йиллари мисолида)

**For citation:** Nilufar D.Djuraeva, WOMEN'S ISSUE IN UZBEKISTAN (in the example of the Soviet period and the years of independence). Look to the past. 2023, vol. 6, issue 6, pp.22-36

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8114494>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат масаласи совет даври ва мустақиллик йиллари мисолида илмий таҳлил этилган. Тадқиқотчилар хulosаларига кўра, совет давридаги хотин-қизларга муносабат масаласидаги давлати сиёсати мазмун-моҳияти уч асосий босқичда таҳлил қилиб берилган. Мустақиллик йилларида хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсати мазкур йўналишда қабул қилинган меъёрий хужжатлар асосида икки босқичда ўрганилган. Совет даври ва мустақиллик йилларида хотин-қизларга муносабат масаласидаги давлат сиёсати қиёсий таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** хотин-қизлар, совет даври, мустақиллик йиллари, давлат сиёсати, аёлларга муносабат масаласи, қиёсий таҳлил, ҳаракат.

**Нилуфар Далибаевна Джураева,**  
Узбекский государственный университет мировых языков  
заведующий кафедрой истории Узбекистана,  
кандидат исторических наук, доцент

## ЖЕНСКИЙ ВОПРОС В УЗБЕКИСТАНЕ (на примере советского периода и в годы независимости)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье научно анализируется история женского движения в Узбекистане на примере советского периода и годы независимости. Согласно выводам исследователей, сущность государственной политики в отношении женщин в советское время анализировалась в три основных этапа. Государственная политика в отношении женщин за годы независимости исследовалась в два этапа на основе принятых в этом направлении нормативных документов. В статье проводится сравнительный анализ государственной политики по отношению к женщинам в советский период и годы независимости.

**Ключевые слова:** женщины, советское время, годы независимости, государственная политика, проблема отношения к женщинам, сравнительный анализ, движение.

**Nilufar D. Djuraeva,**  
Uzbek State University of World Languages  
Head of the Department of History of Uzbekistan,  
Candidate of Historical Sciences, Associate Professor

## WOMEN'S ISSUE IN UZBEKISTAN (in the example of the Soviet period and the years of independence)

### ABSTRACT

This article scientifically analyzes the history of the women's movement in Uzbekistan on the example of the Soviet period and the years of independence. According to the conclusions of the researchers, the essence of the state policy towards women in the Soviet era was analyzed in three main stages. The state policy towards women during the years of independence was studied in two stages on the basis of normative documents adopted in this direction. The article provides a comparative analysis of the state policy towards women in the Soviet period and the years of independence.

**Index Terms:** women, Soviet times, years of independence, state policy, problem of attitude towards women, comparative analysis, movement.

### 1. Долзарбилиги:

Ўзбекистон тарихида совет давридаги хотин-қизларга муносабат ва аёллар ҳаракати мөхиятини, эволюциясини ҳамда ҳозирги даврдаги аёллар ҳаракати ҳолатини ўрганиш тарихшунослик нуқтаи назаридан долзарб аҳамият касб этади. Айнан совет даври ва мустақиллик йилларида хотин-қизларга муносабат масаласидаги давлат сиёсатининг қиёсий таҳлили советлар сиёсатининг мустамлакачилик мөхиятини англаш имконини беради. Ижтимоий ривожланиш ва сиёсий жараёнларни мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этувчи хотин-қизлар иштирокини ҳисобга олмаган ҳолда баҳолаш мумкин эмас. Аҳоли ижтимоий фаоллигини ошириш айниқса, аёллар ҳаракатида яққол намоён бўлади. Чунки, бу ижтимоий гуруҳ жамиятда бўлаётган энг кескин воқеаларга ҳам ўзига хос гендер хусусиятлари орқали муносабат билдиради ва ўзининг фуқаролик ташабbusларини реалликка айлантириш қобилиятига эга жинс ҳисобланади. Аёллар ҳаракати вакиллари нафақат ўз манфаатларини, балки мамлакат ва бутун жамият учун аҳамиятли бўлган эҳтиёжманд аҳоли қатламлари – болалар ва кекса-нафақаҳўрлар позицияларини ҳам химоя қиласди. Замонавий жамиятда ривожланган аёллар ҳаракати сиёсий жараённинг ажралмас қисми бўлиб, хотин-қизларнинг ташкилотларга бирлашуви ушбу ижтимоий гурухга муҳим сиёсий қарорларнинг қабул қилинишида иштирок этиш имкониятини беради. Хотин-қизлар ҳаракати нафақат аёлларнинг мақоми билан бевосита боғлиқ бўлган кенг кўламли масалаларни, яъни уларнинг жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги роли ва ўрни, иқтисодий ва сиёсий манфаатларини ўзида акс эттиради, балки жамият тараққиёти ва мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантириш истиқболларини ўз ичига олган ижтимоий умумий қонуниятларни ҳам қамраб олади.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Тадқиқот ишида умум қабул қилинган тарихий методлар –тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракати тарихи, хотин-қизларга муносабат масаласига оид давлат сиёсати совет даври ва мустақиллик йиллари мисолида қиёсий таҳлил этилган.

Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат масаласи қатор тарихчи олималарнинг илмий-тадқиқот ишларида, шунингдек, ижтимоий фанларнинг яъни, иқтисод, фалсафа ва ҳукуқ

сингари деярли ҳамма соҳаларида ҳам аёллар аҳволи, совет ҳокимиятининг хотин-қизларга муносабатининг мустамлакачилик моҳияти ўрганилди[1].

Мазкур масалани хорижий тадқиқотчилардан - А.Беннингсен, Л.К.Шанталь, А.Аллег кабилар ва америкалик тадқиқотчилардан Рудольф Брома, сиёсий шарҳловчи Луис Фишер, журналист Анна Луиза Стронг, сиёсатшунос Барбара Жанкар ва бошқалар ўрганишган[2].

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Советлар томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятига берилган баҳо деярли ғайри қонуний асосда бўлғанлиги боис ҳам бу даврни чуқур ўрганиш, унга ҳаққоний баҳо бериш тақозо этилади. Чунки, советларнинг хотин-қизларга муносабатини бугунги кундаги мамлакатимиз хотин-қизларига бўлаётган эътибор билан қиёсий таққослаш орқали, унинг мустамлакачилик моҳиятини ўрганиш илмий нуқтаи назардан муҳимdir.

Тадқиқотчилар хулосаларига қўра, совет давлати сиёсатида хотин-қизларга нисбатан уч асосий босқич ажратиб қўрсатилади:

**1. 1917-1930 йиллар.** Бу даврда хотин-қизлар “озодлиги” ҳамда эркаклар билан тенг ҳуқуқлигини таъминлаш советлар давлатининг расмий мафкуравий вазифаси этиб эълон қилингани ҳолда, ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизлар меҳнати улушкини ошириш энг муҳим аҳамият касб этган. Чунки миңтақада ишчи кучи етишмаслиги туфайли хотин-қизлар меҳнатидан арzon ишчи кучи сифатида фойдаланиш ва шу орқали Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан унумли фойдаланишга эришиш мақсад қилинган эди. Шунинг учун ҳам, хотин-қизларнинг жамоат ишлаб чиқариш меҳнатидаги иштироки уларнинг ижтимоий мақомини белгиловчи асосий омил деб ҳисобланган.

Бундан ташқари, шу пайтда совет қонунларига эркаклар билан аёлларнинг оиласи соҳадаги тенглиги принципи ҳам киритилган бўлиб, 1917 йил декабрда “Фуқаролик никоҳи тўғрисида” ва “Никоҳни бекор қилиш тўғрисида” иккита декрет чиқарилган. Мазкур хужжатлар фуқаролик никоҳини қонунийлаштириб, ажралиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда эр билан хотиннинг ҳуқуқларини тенглаштирган[3]. 1921 йил 5-7 апрель кунлари бўлиб ўтган Шарқ хотин-қизлари ташкилотчиларининг биринчи мажлисида “Ажралиш эркинлиги декрети”, “Никоҳ ёши ва қалин ҳақида декрет” ишлаб чиқиши[4] каби масалалар кун тартибидан ўрин олган эди. 1921 йил июнда Туркистон АССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг балоғатга етмаган қизларни эрга беришни ва кўп хотинлиликни таъкиқлаш, қалинни бекор қилиш тўғрисидаги декрети қабул қилинди. Никоҳ ёши шариатдаги 9 ёш ўрнига 16 ёш қилиб белгиланди[5]. РСФСР Жиноят Кодексининг 10 боби «Оиладаги, майший турмушдаги эскилик сарқитларига қарши кураш ҳақида» бўлиб, қалин олиниши келинни сотиб олиш деб, белгиланди[6]. Шунингдек, 1928 йил МИҚ нинг III сессияси Ўзбекистон ССР учун никоҳ ҳақида янги қонун қабул қилди. Унга қўра никоҳга кириш учун ўсмир йигитлар ёши 18, қизларнинг ёши 16 қилиб белгиланди. Шу билан бирга никоҳ ҳар икки томоннинг розилиги асосида қурилиши лозим эди. Эр-хотин биринчи никоҳдан ҳуқуқий ажралмасдан туриб, иккинчи никоҳга кириши қонун билан таъкиқлаб кўйилди. Эр-хотиннинг ҳар иккаласи ҳам ажралиш масаласида тенг ҳуқуққа эга, деб белгилаб кўйилди[7]. Бу қонуннинг ижобий томонидир. “Қалин ва кўпхотинликка” қарши кураш ҳафталиклари, ҳатто кунлари белгиланиб, тадбирлар олиб борилган. Шунингдек, улар чиқарган қарорларнинг бирида: “Ажралиш ишлари бир ҳафтадан кечиктирмай кўриб чиқилсин”, деган банд мавжуд эди[8]. Чунки, “Хужум” даврида судларга ажралиш хусусида жуда кўплаб аризалар келиб тушган бўлиб, улар советларнинг юқорида келтирилган балоғатга етмаган қизларни эрга беришни ва кўп хотинлиликни, қизларнинг розилигисиз никоҳ ўқитишини таъкиқлаш, қалинни бекор қилиш каби янги қонунларига таяниб, мажбурий никоҳдан норози бўлған ва ўзларининг кекса эрларидан ажралишни истаган аёллар эди. Натижада оила ва никоҳ масалаларида совет ҳокимиятининг олиб борган сиёсати минглаб оиласарнинг бузилишига, болаларнинг отоналари ўртасида сарсон-саргардон бўлишига, кўйди-чиқдиларнинг оммалашувига, оиласнинг қадрсизланиб, ижтимоий мавқеининг йўқолишига, ариза берган аёлларнинг эри, отаси ёки ака-укалари томонидан жазоланишига сабаб бўлди[9]. Чунки, асрлар давомидаги анъанавий турмуш эркакларнинг оиласида имтиёзли ўрнини таъминлар эди. Шиддат билан кириб келган

большевикларнинг оила ва никоҳ масаласидаги инқилобий ўзгаришлари аввалом бор эркакларга қаттиқ маънан зарба берган бўлса, аёлларни тасаввурсиз “порлоқ ҳаёт” сари ундали. Бу эса, аёлларнинг ҳақиқий баҳти бўлган оиласидан маҳрум бўлишига олиб келди. Шунингдек, аёлларнинг оила доирасидаги фаолияти қораланиб, ижтимоий меҳнат тури сифатида қадрланмаганлиги натижасида оила ўзининг ижтимоий мавқеидан ажралиб майший ишга айланиб қолди.

Хотин-қизларни озод қилишга доир совет дастурининг кейинги муҳим йўналиши эркаклар ва аёлларнинг сиёсий teng ҳуқуқлигини таъминлаш бўлди. 1918 йилги биринчи совет Конститутциясида хотин-қизларга эркаклар билан бирга давлат лавозимларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуки берилди[10]. Айни шу даврдан хотин-қизларнинг жамоат ва давлат бошқаруви идораларида иштирок этиши учун партиявий-маъмурий квоталарни амалда жорий этиш бошланди. 20-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларни “озод қилиш муаммоси” алоҳида ўрин эгаллаганлиги боис, туб миллат хотин-қизларини “озод қилиш” ва уларни ҳар жабҳада эркаклар билан “тengхуқуқлилигини таъминлаш”нинг бутун бир тизими ишлаб чиқилди. Яъни, хотин-қизлар фаолиятига таъсир этишнинг мафкуравий ва ишлаб чиқариш омиллари ташкил этилди. Хотин-қизлар ўртасида олиб борилган ишларнинг асосий йўналишларини қуидагича таснифлаш мумкин[11]:

- биринчидан, митинглар, 8 март байрамини “тантанали” ўтказиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш орқали олиб борилган ташвиқот-тарғибот ишлари;

- иккинчидан, ўтказилган съездлар, пленумлар, конференциялар, оммавий мажлислар, слёт ва қурултойлар орқали олиб борилган ташкилий-тарбиявий ишлар;

- учинчидан, уюштирилган турли хилдаги мусобақалар, маҳсус ташкил этилган бригада ва звенолар, меҳнат унумдорлигини сунъий жадаллаштириш мақсадида шахсий ўрнак кўрсатиб, намуна бўлиш учун маҳсус ташкил этилган «ижтимоий бусирлар», зарбдор иш кунлари, ҳафталиклар, ойликлар, танловлар, ҳашарлар ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий-амалий ишлар;

- тўртинчидан, маҳсус ташкил этилган тайёрлов ва малака ошириш курслари, турли тўгараклар, ташвиқот пунктлари, шиор ва даъватлар акс этган ижтимоий-сиёсий ва техникавий ишлар.

Ўтказилган тадбирларнинг негизида хотин-қизлар меҳнатидан имкони борича кўпроқ ва “унумли” фойдаланиш мақсади яширган бўлиб, бу тадбирлар аёлларнинг оилани эмас, балки жамиятда эркаклар билан teng асосда фаол иштирок этишни истайдиган бутунлай янги авлодини тарбиялаш учун хизмат қилди[12].

Маҳаллий миллат хотин-қизларининг “ижтимоий фаоллиги”ни ошириш мақсадида қисқа муддат ичида дехқон хотин-қизларининг Бутун Ўзбекистон қурултойи (1925 йил, март), икки марта хотин-қизлар бўлимлари мудирларининг кенгаши (1925 йил апрел, октябр), хотин-қизлар ўртасида ишлайдиган ходимларнинг Бутун Ўзбекистон кенгаши (1925 йил, август), шу тоифадаги ходимларнинг вилоят кенгашлари, ўқувчи хотин-қизларнинг 1 Тошкент конференцияси (1926 йил, апрель), Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар клублари ва қизил бурчаклар ходимларининг II кенгаши (1926 йил, апрель) ва бошқа тадбирлар ўтказилди[13]. 1925 йил март ойидан 1926 йил марта гача хотин-қизлар клубининг сони 11 тадан 32 тага, аъзолар сони эса, 920 тадан 3000 тага етди[14]. Лекин, марказ бу тадбирлардан қониқиши ҳосил қилмай, жамиятда хотин-қизлар ўртасида “ижтимоий онгни қайта қуриш жараёнининг социалистик қурилиш эҳтиёжларига мос тушмаётганлиги”ни таъкидлаб, янада шиддаткорликни талаб қилди. Хусусан, советлар ҳукуматининг моддий-иктисодий базасини мустаҳкамлаш зарурияти туфайли маҳаллий миллат хотин-қизларини ишлаб чиқариш жараёнига, яъни меҳнат фронтига жалб этиш кучайтирилди. Айнан 2 босқичда олиб борилган “Ҳужум” кампаниясидан ҳам мазкур мақсадлар кўзланган эди. Биринчиси – 1926 йил сентябрдан 1927 йил февралгача “тайёргарлик” даври бўлса, иккинчиси – 1927 йил март ойидан 1932 йилгача давом этган “зарборлик даври”дан иборат эди. 1929 йилнинг 8 майида Ўзбекистон ССР Советларининг III қурултойида хотин-қизларни “социалистик жамият қуриш ишига янада кўпроқ жалб этиш масаласи” муҳокама қилинди. Бу эса, хотин-қизларни ижтимоий ишлаб

чиқаришга жалб этилишини янада жадаллаштириди. Айнан, хотин-қизларнинг жисмоний имкониятларига мос келмаган ишларга жалб этилиши эса маҳсус тарғиб этилди.

Хусусан, Буюк Британиянинг Лондон шаҳридаги Халқаро муносабатлар Вестминстер университетининг магистри, мустақил аналитик Зайнаб Муҳаммад-Дўст тадқиқотлари асосида 2017 йил чоп этилган Британия кутубхонаси туркий ва туркий тиллар тўпламлари куратори, доктор Майкл Жеймс Эрдманнинг кутубхона архивида сақланаётган “Янги йўл” журнали борасидаги фикрлари ҳам шундан далолат беради. Журнал Ўзбекистонда аёллар ва қизлар учун ойлик нашр ҳисобланиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан 1926-1927-йилларда нашр этилган, эски форс-араб ёзувида чоп этилган, таҳлилда журналнинг тўртта сони мазмуни ҳақида маълумот берилди. Муаллиф шундай ёзади: “Журнал аёллар ва қизларни педагогик инновациялардан хабардор қилиш учун фойдаланилмаган бўлса-да, уларнинг дунёқарашини анъанавий майший соҳадан анча кенгайтириш учун мўлжалланган эди. Журналда Европа миллатига мансуб аёлларнинг аёлларга хос бўлмаган ишларда иштирок этиши ҳақидаги мақолалар ўрин олган бўлиб, фотосуратларда жилмайиб турган, юзлари ва бошлари очик, механизмларни бошқараётган ва ғишт қўяётган аёллар тасвирланган”. Шу билан бирга, ўзбек меҳнаткаш аёллари ҳам ўзгача кўринишида тақдим этилган. Яъни “15-расмда бир гурух ўрта ёшли ўзбек ипакчи аёллари, факат бир нафаридан ташқари бошқа ҳамма аёлларнинг бошида рўмоли бўлган, лекин ҳеч бири машинадан фойдаланмаётгани тасвирланган”,- деб ёзади тадқиқотчи. Яна бир расмда М.Эрдманнинг сўзларига кўра, келажакка умид руҳини акс эттирувчи замонавий кийинган ёш битирувчиларнинг илмий экспериментни томоша қилаётган ҳолати акс эттирилган. Муаллиф “умидлар” ҳақида ёзади, чунки “Марказий Осиёлик аёлларнинг воқеликлари, сўзсиз, Москва ва маҳаллий Коммунистик партия кадрлари илгари сурганидек ёрқин ва илғор эмас эди”.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партия маъмурий-буйруқбозлиқ тизимининг барча шакл ва усусларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий миллат аёлларини ижтимоий-сиёсий жабҳага тортиб, улардан партия сафларини тўлдириб, “янги социалистик жамият”ни куришда ўз тарафдорларига эришишга интилди. Натижада ўзбек хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий онги ва фаоллиги маълум даражада ўсади. Ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини сунъий равищда Иттифоқ деб аталган худудга ёйишга ҳаракат қилинди ҳамда уларнинг сиёсий ва ҳукуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига имкон бермади.

**2. 1930-1960 йиллар.** Мазкур босқичда аёллар teng ҳукуқлилигини таъминлаш соҳасида совет давлати сиёсатининг концепциясида катта ўзгаришлар юз берди.

30-йилларга келиб, “хотин-қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги” ҳақидаги ғайриилмий хулоса натижасида хотин-қизлар бўлими фаолияти ВКП(б) МҚнинг 5 январдаги қарори билан тугатилади[15]. Қарорда хотин-қизлар бўлимларининг вазифалари фирмә қўмитаси ва унинг бўлимларига ўтганлиги таъкидланиб, маҳсус секторга айлантирилади[16]. Секторлар зиммасига совет ҳукумати ва коммунистик партия томонидан “хотин-қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги” ҳақидаги хулосани илмий-амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси юклатилади. 1930 йили Коммунистка ва 1934 йили Янги йўл журнallарини нашр этиш тўхтатилади. Хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган бутун ишларнинг масъулияти Меҳнат ва турмушни яхшилаш Комиссиялари зиммасига ўтади. Комиссия таркибида республика бўйича 100 дан ортиқ аъзо бўлиб, улар комиссия зиммасидаги катта ҳажмдаги ишларни бажариш имкониятидан йироқ эди. Шунинг учун комиссиялар 1930 йил май ойида иттифоқ республика, вилоят, шаҳар ва жойлардаги ижроия қўмиталарига айлантирилди ва 1932 йилда ўз вазифасини бажарив бўлган орган сифатида тугатилади[17]. Аслида бу жараёнга сабаб, совет ҳукумати ва коммунистик партияни хотин-қизларни “иктисодий озодликка чиқариш” шиори остида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, улар меҳнатидан арzon ишчи кучи сифатида фойдаланиш билан жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айлантириб, ўз мақсадига эришишида ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошиб борган аёлларнинг ўз ҳақ-ҳукуклари учун курашиб, мустабид тузум томонидан ўзларига нисбатан олиб борилаётган

сиёсатдан норозиликнинг кучайиб боришида эди. Айни шу йилларда ижтимоий протекционизм ғоясининг шаклланиши оқибатида хотин-қизлар давлат сиёсати субъектидан унинг объектига айланди. Бу эса пировардида аёлларга муносабатда патриархал тизимни қайта тиклади.

**3. 1960-1991 йиллар.** Бу даврда совет давлати хотин-қизлар эмансипацияси борасида ўз олдига қўйган қўп масалаларни охиригача етказа олмади. Хусусан, уй хўжалигини умумлаштириш ғояси шулар жумласидандир. Шунингдек, умумий овқатланиш, корхоналар қуриш режалари мунтазам равишда бажарилмас, мактабгача тарбия болалар муассасаларида ўринлар етишмас эди. Оиладаги вазифалар тақсимланишида ҳам қандайдир жиддий ўзгаришлар рўй бермади - хотин-қизлар аввалгидек ўз зиммасида икки карра юкни кўтарар эди. Ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизлар илгаригидек иккинчи даражали ролларни бажаарди. Партия ҳисботларида хотин-қизлар ҳолатини баҳолашда патриархал ёндашув кўпроқ эшитила бошлади. 1980-йиллар ўрталарида бошланган демократик жараёнлар ҳам аёллар тенг хукуклиги масаласида кескин ўзгариш ясамаган бўлса-да, “Қайта қуриш” сиёсати натижасида хотин-қизлар ҳаракатини баҳолашга янгича услубий ёндошувнинг ишлаб чиқилиши зарурлиги асослаб берилди. Лекин бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига муваффақ бўлинмади. Чунки, коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган хукмронлиги, мустабид тузумнинг сақланиб турганлиги бунга имкон бермас эди.

Умуман олганда, совет ҳокимиюти раҳнамолари томонидан ўзбек хотин-қизларининг жамият ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётидаги ўрнига муносабат масаласида инкилобий ўзгаришларга, маъмурий-буйруқбозлиқ сиёсатига асосланган чора-тадбирларга таяниб иш олиб борилди, аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига синфийлик нұқтаи назаридан ёндашилди. Айниқса, аёлларнинг оила доирасидаги фаолиятининг ижтимоий меҳнат тури сифатида қадрланмаганлиги натижасида оила ўзининг ижтимоий мавқеидан ажралди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида хотин-қизларга муносабат масаласига доир қабул қилинган хукуқий-меъёрий хужжатлар мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қўйидаги 2 та тарихий босқични кўрсатиш мумкин:

**Биринчи босқич** – 1991-2016 йиллар. Маълумки, бу даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 1 март санасидаги фармойишига мувофиқ, 27 декабрда Термиз конференциясида Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси жамоатчилик институти сифатида ташкил топди[19]. **Қўмита аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашда мухим роль ўйнади. Қўмитанинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қўплаб** Президент Фармонлари[20] ва “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция” ишлаб чиқилди[21].

Мамлакатда муайян ижтимоий йўналишда эълон қилинган Давлат дастурларида аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар хотин-қизлар мавқеининг тобора ортиб боришига хизмат қилди[22]. Хусусан, 1999 йил “Аёллар йили”да хотин-қизларнинг сиёсий ва иқтисодий фаоллигини ошириш билан бир қаторда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди[23]. 1999 йил 10 июнь санасидаги “Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Президент Фармонига мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди[24]. Мазкур давлат мукофоти тўғрисида Низом қабул қилинди[25]. 2000 йилдан бери адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантиришга ҳисса қўшиб келаётган иқтидорли қизлар фаолияти рағбатлантириб келинмоқда. Ушбу мукофот совриндорлари сони 2000-2018 йилларда 283 нафарни ташкил этган бўлса[26], бу кўрсаткич 2023 йили 423 нафардан иборат бўлди[27].

**Мазкур босқичда** хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқаруви ҳамда қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштироки, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ўсиб борди. 1999 йилда Олий Мажлис депутатлар таркибида аёллар улуши 9,4 фоиз[28] бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этган эди[29]. 2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 70 ва 91-моддаларига мувофиқ, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган

депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши белгиланиши натижасида 2019 йил 22 декабрь куни ўtkазилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлар сайловлари якунида Парламент қуий палатасида 48 нафар аёл (32%) депутат, юқори палатасида 24 аёл (24%) сенаторлар ишлаб келмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига янги сайланган депутатларнинг 247 нафари (30 %), туман ва шаҳар кенгашларида – 1 422 нафари (25 %) аёллар фаолият юритиб келмоқда. Ана шундай натижалар туфайли Ўзбекистон парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-погонага кўтарилди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2014 йилда 128-уринда эди.

**Иккинчи босқич** – 2017-2023 йилларни ўз ичига олиб, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 5 та устувор йўналишдан иборат Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг узвий-мантиқий давоми бўлган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси доирасида ижтимоий-иктисодий ва маданий соҳалардаги долзарб муаммолар хотин-қизлар масаласидаги давлат сиёсатида туб ислоҳотларга сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4749-сонли Фармонида “хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш” каби вазифалар белгилаб берилди. Мазкур босқичда хотин-қизлар масалаларига бағишлаб қабул қилинган Президент фармони ва қарорлари ушбу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини яна бир янги босқичга олиб чиқиша мухим аҳамият касб этди[30]. Фармонда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, оила институтини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни химоя қилишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар белгиланди. Фармон асосида 2018 йилнинг 1 апрелидан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасига ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилиши, бундай мутахассислар ҳар бир маҳаллада биттадан, оилалар сони 2000 тадан кўп бўлган маҳаллаларда иккитадан жорий этилиши белгилаб берилди. Фармонга ушбу бандларнинг киритилиши хотин-қизларнинг муаммоларини жиддий ўрганишни вазифа қилиб қўйди[31]. Хусусан, 2017-2019 йиллар давомида хотин-қизларни қўллаб қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та фармони, 2 та қарори, ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинди[32]. Ана шу хужжатлар асосида илгари имкониятлари чекланиб, фаолияти сусайиб қолган Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янги асосда ташкил этилди. Уларга қўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида Хотин-қизлар қўмитасининг 208 та бўлинмалари, 42 мингга яқин бошланғич ташкилотлари фаолият юритди[33]. Хотин-қизлар қўмитасининг ҳудудий бўлимлари қошида “Хуқуқшунос аёллар”, “Илм-фан ва аёл”, “Ижодкор аёллар”, “Ташаббускор аёллар”, “Аёл ва саломатлик”, “Фаҳрий аёллар” жамоатчилик уюшмалари ташкил этилди. “Йил аёли”, “Ибратли оила” танловлари ўтказиб келинди. Жамият ҳаётида ижтимоий фаол бўлиб, мамлакат равнақига ўзининг муносаби ҳиссасини қўшиб келаётган, оналик ва болаликни химоя қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар учун “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилиб, 2019 йил 8 март “Халқаро хотин-қизлар муносабати” байрами арафасида ушбу мукофот билан 260 нафар аёллар тақдирланди. 2021 йилда эса, 297 нафар хотин-қизлар мазкур мукофот сохиби бўлишди[34].

2019 йилда демократик ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва ривожланиши, очик фуқаролик жамияти тамойилларининг такомиллашуви натижасида энг мухим ижтимоий-маданий

вазифалардан бири бўлган хотин-қизларнинг турли тазийқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, уларни камситишнинг барча турларини бартараф этиш ва шахснинг эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган 40 дан ортиқ хукукий-меъёрий хужжатлар, хусусан, “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”, “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ҳамда “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги янги қонунлар қабул қилинди[35]. Ўзбекистонда гендер тенглик масаласига устувор аҳамият қаратилиб, хотин-қизларни турли кўринишдаги тазийқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистан хотин-қизларни камситиш ва таъқиб қилишнинг барча шаклларидан хукукий, ижтимоий ва иқтисодий ҳимоя этишини назарда тутувчи халқаро шартномаларга қўшилди. Мехнат кодекси ва бошқа тегишли норматив-хукукий хужжатларга хотин-қизлар учун тақиқланган касбий фаолият соҳаларини қисқартириш, қонунчиликдаги гендер-ассиметрик қоидаларни бартараф этишга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилди. Айниқса, хотин-қизларни турли тазийқ ва зўравонликлардан асраб-авайлаш, уларнинг бу борадаги хукуклари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳаётдан тўйинишлари, умуман, аёллар учун оиласидаги соғлом муҳитни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар соҳага оид хужжатларнинг ижросида муҳим ўрин тутади.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистан Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси, Инсон хукуклари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси, 2030 йилга қадар Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегияси, Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларнинг қабул қилиниши ушбу соҳанинг хукукий асосларини тубдан мустаҳкамлади ва тегишли тизимли фаолиятни йўлга қўйишга хизмат қилмоқда.

Хотин-қизлар хукуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг институтсионал асослари янада мустаҳкамланди. Жумладан, Ўзбекистан Республикасининг Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси, Олий Мажлис Сенатида алоҳида қўмита, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси янгидан ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди.

2019 йил сентябрь ойида эълон қилинган “Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга асосан, “Тазийқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордерини бериш, ижросини таъминлаш ва мониторинг олиб бориш тўғрисида”ги низом тасдиқланди. Мазкур низомга кўра, ҳимоя ордери мувофиқ серия ва рақамга эга бўлган, қатъий ҳисоби юритиладиган, фақатгина тазийқ ва зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан белгиланган чекловларни қайд этиш бўйича хужжат ҳисобланади”[36].

Бу каби чора-тадбирлар гендер тенглик, хотин-қизларнинг хукуқ ва манфаатларини таъминлаш, эҳтиёжманд хотин-қизларга ижтимоий-хукукий, тиббий, психологик ва моддий ёрдам қўрсатиш аёлларга нисбатан давлат сиёсатининг муҳим йўналишларини ўзида ифода этади. Хотин-қизлар қўмитаси маълумотига кўра, 2019 йилда мингга яқин аёл майший зўравонликдан азият чеккан. Қўмита раҳбарияти бу ракам реал ҳолатни акс эттираслиги, чунки тазийққа учраётган аёлларнинг ҳаммаси ҳам бу ҳақда очик-ойдин айтмаслигини маълум қилган эди. 2020 йили биргина Тошкент шаҳрининг ўзида аёлларга 966 та ҳимоя ордери берилган. Шундан аёлларнинг 850 нафарига оиласида содир этилган ҳолатлар бўйича, зўравонликларнинг 813 таси оиласидаги келишмовчилик туфайли юз берганда, 69 таси моддий етишмовчилик, 45 таси рашқ туфайли, 40 таси оиласидаги учинчи шахснинг аралашуви (қайнона қайнингил, қайнопа, қайтиб келган опачалар аралашувчилари) натижасида юзага келган муаммолар сабабли ордер берилган. Ушбу зўравонликларнинг 556 нафари турмуш ўртоғи, яъни эркак киши томонидан аёл кишига етказилган тазийқ бўйича, 54 нафари қайнона томонидан, 46 нафари келинлар томонидан қайнона қайнингилларга нисбатан, 310 нафари бошқа шахслар томонидан аёлларга нисбатан содир этилган зўравонликлар бўлган. Шундан 423 та ҳолатда жисмоний, 8 таси жинсий, 13 таси иқтисодий, 664 таси рухий зўравонликлар

учун ордерлар берилган. Ҳимоя ордерларининг берилиши оила мұқаддаслиги ва унинг сақлаб қолинишига, фарзандларнинг тирик етим бўлиб қолиши ва унинг салбий оқибатларини олдини олишга хизмат қилмоқда[37]. Бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми сифатида хотин-қизлар ва болалар хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазиқ ва зўравонлиқдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда хукуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида “Хотин-қизлар ва болалар хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2023 йил 11 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-829-сон Қонуни ҳам қабул қилинди. Мазкур янги қонун хукуқни қўллаш амалиётида хотин-қизлар ва болаларнинг хукуқларига дахл қилувчи жиной қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаганлиги, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонлиқдан ҳимоя қилишнинг хукуқий кафолатлари мавжуд эмаслиги, тазиқ ва зўравонлиқдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг хукуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермаётганлиги, алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада кўпроқ молиявий қийинчиликларни келтириб чиқараётганлиги каби хотин-қизларнинг хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалардаги бир қатор муаммоларни ечимини ҳал этишга хизмат қиласди[38].

2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Президент Фармонларининг қабул қилиниши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди[39]. Мазкур ҳужжат хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш мақсадида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқишида долзарб аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарори[40] асосида хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун teng хукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлаш Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ролини ошириш бўйича олиб борган ислоҳотлар натижасида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш мақсадида Республика Хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Жойлардаги Хотин-қизлар кенгашлари фаолиятига эса ҳокимларнинг ушбу масалалар бўйича маслаҳатчилари раҳбарлик қилиб келишди. Президент хотин-қизлар кенгашини тузиш таклифини илгари сурар экан, жамият турмуш даражасининг ошиши айнан аёлларга боғлиқ эканини аниқ кўрсатиб ўтди[41]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинди. Айнан, хотин-қизларнинг қонуний хукуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мухим йўналишларидан бири саналади[42]. Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” деб номланган IV йўналишда белгилаб берилган 69-мақсад – хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилди[43].

2022 йил 1 март куни бўлиб ўтган Президент Ш.Мирзиёев раислигига хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада

юксалтиришга қаратилган видеоселекторда давлат раҳбари хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳасининг янги тизимини белгилаб берди. Ўзбекистонда Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди. Янги Кўмита раиси айни пайтда Бош вазир ўринbosари ва Сенат аъзоси сифатида фаолият юритади. Жойларда қўмитанинг вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари эса ҳоким ўринbosари бўлади. Янги қўмита Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармасини ўзи бошқаради[44].

2022 йил 7 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оила ва хотин - қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87 сонли Фармони қабул қилинди[45]. Мазкур Фармонга мувофиқ, аёлларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган қатор имтиёзлар белгилаб берилди. Хусусан: 2022-2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича миллий дастур тасдиқланди. Хотин-қизларнинг “Давлат бошқаруvida хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури”га мувофиқ, Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида 100 нафар хотин-қизларни ўқитиш; 2024 йил 1 январга қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидағи ташкилотлар ходимлари орасида хотин-қизлар улушкини камида 30 фоизга етказиши, барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуси 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидағи ташкилотлар раҳбарларининг камидаги 1 нафар ўринbosарни хотин-қизлар орасидан тайинлаш, бунда мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринbosар бўлган тақдирда мажбурий хисобланмаслиги белгилаб қўйилди[46]. Зоро, давлат раҳбари таъкидлаганидек: “Аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик, маданият юқори бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис, ҳар бир вазирлик, давлат компанияси, банк ва бошқа идоралар бир-икки йил ичida ўз тизимидағи аёлларни раҳбарликка ўқитиб, камидаги 1 нафар ўринbosарни ҳам аёллардан қўяди”[47]. Бугунги кунда республика давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида фаолият юритишмокда[48].

Фуқаролар йигини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринbosари ўрнига маҳалладаги хотин-қизлар фаоли лавозими таъсис этилди. 2022 йил 1 майдан хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг ойлик иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,5 баравари (2 млн 877 минг сўм) миқдорида бўлади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида белгиланган. Қарорга кўра, маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари лавозимларига номзодлар очиқ танловлар асосида ишга қабул қилинади. Ушбу лавозимга оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тажрибасига эга, шахсий фазилатлари билан намуна кўрсатган, фидойи ва садоқатли номзодлар тайинланади. Хотин-қизлар бўйича масъул аёллар масаласи ва уларнинг дарду-ташвиши билан ишлашга жавоб беради. 2022 йил 1 майдан маҳалладаги хотин-қизлар фаолининг ойлик иш ҳақи миқдори у бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда қўйидагича белгиланади:

- хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,5 баравари (2 млн 877 минг сўм) миқдорида;
- хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари (3 млн 288 минг сўм) миқдорида;
- хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,5 баравари (3 млн 699 минг сўм) миқдорида.

Қарор билан шунингдек, Бош прокуратура тузилмасида Хотин-қизлар ҳукуқларини таъминлаш ҳамда уларни тазиий ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳаларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14 сонли фармонига мувофиқ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси Камбағалликни кисқартириш ва бандлик қўмитаси таркибида фаолият юритмоқда.

Умуман олганда, давлат раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатда хотин-қизларга яратиб берилаётган улкан имконият ва шароитлар туфайли аёллар давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Амалга оширилаётган давлат сиёсати хотин-қизлар нинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, интеллектуал ва маънавий юксалиши, касбий ҳамда оиласи мажбуриятларни ҳамоҳанг тарзда бажариши учун кенг имкониятлар яратмоқда. Хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнидаги иштироки сезиларли даражада ортди. Натижада уларнинг бошқарув соҳаларидағи улуши 33 фоизга, тадбиркорлик соҳасида 35 фоизга, сиёсий партияларда 44 фоизга, олий таълимда 46 фоизга етди. Аёлларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий мавқеи юксалиб бормоқда.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Аминова Р.Х. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. – Т.: Фан. 1991.Б.10-11.; Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы. – Т.: Фан, 1991. -133с; Алимова Д.А. «Хужумга зарурат бормиди?» //Ўзбекистон адабиёти ва санъати – 1992, 11 сентябрь; Алимова Д.А. Ўзбекистон ижтимоий фанларида хотин-қизлар муаммоларининг ўрганилиши ва муаммолари // Ўзбекистонда оила, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг роли ва гендер муаммолари. – Т.: Фан. 1999. Б.16-20.; Абдуллаева Я.А. Қорақалпогистон хотин-қизлари:Кече ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. – Т.: Ижод дунёси. 2004. –224б; ўша муаллиф.Қорақалпогистонда совет ҳокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва қишлоқ аёлларининг қатағон қилиниши //Ўзбекистон тарихи. 2002. №2. Б. 40-45; Ўша муаллиф. Мустабид совет тузуми инқирозининг айрим сабаблари ва унинг хотин-қизлар ахволига таъсири (Қорақалпогистон мисолида) // Демократлаштириш ва инсон хуқуклари. 2004. №1. Б. 42-45; Ўша муаллиф. Топталган хуқуқ ёки мустабид тузум қатағонлари // Ҳаёт ва қонун. 2004. №2. Б. 58-59; Ўша муаллиф. Эътиқодга ҳуруж // Тафаккур. 2004. №2. Б. 90-92.; Жўраева Н. Ўзбекистон ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни. Тарих фанл. номзод. ... дисс. – Тошкент, 2004. – 161б.; Собирова Д. Ўзбекистонда совет тоталитар тузумининг аёллар масаласидаги сиёсати ва унинг оқибатлари (XX асрнинг 40-80 йиллари). Тарих фанл. номзод. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 173 б.; Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы (Литература 50-80-х годов).Автореф. дис...к.и.н -Т.: 1996. -22; Қ.В.Нишонбоева. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Т.ф.н... дисс. автореф. -Т.: 1998. -28с; Маткаримова Г.А. Гендерные и репродуктивные права женщин в международном и национальном праве. Автореф. дисс. д-ра юрид.наук.-Т.: 2002.-41с.; Ражабова Д.Н. Проблемы молодёжи и женщин в воззрениях джадидов Туркестана (конец XIX-начало XX вв.). Автореф.дис....к.и.н -Т.: 2003. -27с; Муравьёва Н.М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс...к.ф.н. – Т.: 2003. -26с; Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин-қизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий таҳлили. Ф.ф.н.... дисс. автореферати. –Т.: 2000. -20с.
2. A.Bennigsen, M.Broup. The Islamic threat to the Soviet State.-L., 1983; F.Ekker. Transition in Asia. Uzbekistan under the Soviets. New-York. 1954.P.397; J.Chomart de Lauwe. Les Paysans soviétiques. Paris. 1961; J.Castagne. Le mouvement de l' emancipation de la femme musulmane en Orient. Paris. 1928; P.Tubert. L Ouzbekistan republique sovietique. Paris. 1951; V.Monteil. Les musulmans soviétiques. Paris. 1957; M.Egretaud. L' Orient sovietique. Paris. 1959; A.Wermser et L.Mamiac. L'URSS a Coeur ouvert. Paris. 1960; A.Bennigsen, L.Q.Chantale. The evolution of muslim nationalities of se SS and their linguistic problems. – L., 1961; A.Bennigsen, L.Q.Chantal. Islam en Union Sovietique. Paris. 1968; A.Bennigsen,

- M.Wimbush. Muslim national communism in the Soviet Union; Chicago, 1979; A.Bennigsen, M.Broup. The Islamic threat to the Soviet State.-L., 1983; H.C.d'Encausse. Empire eclate. Paris. 1980; S.Zeyons. La revolution des femme au coeur de l'Azie Sovietique. Paris. 1971; H.Alleg . Etoile rouge et croissant vert. Paris. 1983; S.Begaux. Les problemes quotidiens de la femme sovietique. Brussele. 1980; Аллег Анри. Красная звезда и зелёный полумесяц. М. 1985. С.22; Убайдуллаева Р.А.Критика буржуазных концепций занятости женщин в республиках Средней Азии. Вопросы экономики. №3. 1986; Ахтямова Ю.С. Хотин-қизлар масаласи: икки дунё, икки хил ёндошув. –Т.: Билим.1987; Шадиев К.К.Критика концепции буржуазной советологии о положении ислама в республиках Средней Азии.:Автореф. дис...канд.ист.наук. –Т.:1987.-24с.
3. ЎзР МДА.(Марказий давлат архиви), Р-17- жамъарма, 1-рўйхат, 286-иш, 126-варак.
  4. ЎзР МДА, Р-34- жамъарма, 1-рўйхат, 266-иш, 601- варак.
  5. ЎзР МДА., Р-17- жамъарма, 1-рўйхат. 286-иш, 126-варак.
  6. Иноятов Т.Т. Суды Советского Узбекистана в борьбе с пережитками. Ташкент, Труды САГУ,1958. вып.124.кн.4. – С.18.
  7. Шариат ва шўро қонунида хотин-қизлар// Янги йўл. 1929.№.4. – Б.8
  8. “Народное хозяйство Средней Азии”.1930.№9-10. – С.35.
  9. Ўзбекистоннинг янги тарихи.ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Иккинчи китоб. –Т.: 2000. – Б.376
  10. Қаранг: Конституция (Основной Закон) Туркестанской республики. – Т.: Издательство комиссариата по национальным делам. 1918 г.; Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской Федеративной Республики. –Т.: 1918. С. 33; Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана (1917-1936 гг.). Сб.док.и матер. 1971. С. 46-47.; Резолюции и постановления съездов Компартии Туркестана 1918-1934 гг. –Т.: Госиздат Уз ССР. 1958. – С.193.
  11. Абдуллаева Я. Қорақалпоғистон хотин-қизлари. Кеча ва бугун (XIX-XX). –Т.: Ижод дунёси. 2004. Б.103-104; Ўша муаллиф. Мустабид тузум даврида Қорақалпоғистон хотин-қизларининг аҳволи (XX асрда) // Республика илмий конференцияси материаллари. –Т.: 2003.Б.90-91.
  12. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. –Т.: Шарқ. 2000.Б.375.
  13. Р.Ё. Ражапова. «Хужум»нинг тарихий тажрибаси. – Т.: 1987. – Б.6.
  14. ЎзР ПДА, 58-жамғарма, 2-рўйхат, 1430-иш, 2-8- вараклар; Худжум-значит наступление. - Т.: 1987. – С.27.
  15. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. – Т.: Фан. 1975. - Б.71; Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари... - Б.69.
  16. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии... -Т.: 1991. Фан. С.62.; Абдуллаева Я.А. Қорақалпоғистон хотин-қизлари...-Т.: Б.69.
  17. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии... -Т.: Фан. С.63; Ризель Ф. Достижения и недочёты в работе среди женщин // Партийное строительство.1935. №4.Б.19-24.
  18. Туйчиева Г.У. Независимость и женское движение Узбекистана: цели, задачи и содержание трансформации/<https://www.ayk.gov.tr/wp-content/uploads/2015/01/pdf>
  19. ЎМА. М-37 фонд, 1-рўйхат, 2565-иш, 90-варак.
  20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1995 йил 2 мартағи № ПФ-1084 Фармони// <https://lex.uz/ru/docs/181343?otherlang=1>; 1998 йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича миллий ҳаракат дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1999 йил 17 мартағи № ПФ-2246 Фармони// <https://lex.uz/docs/212762?twolang=true>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида

ишилаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида”ги 1999 йил 17 марта даги № 117 сонли Қарори// <https://www.lex.uz/ru/docs/279136?twolang=true>; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги 1999 йил 14 апрелдаги №760-1 сонли Қонуни// <https://lex.uz/docs/10550>; 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3434 сонли Фармон//<https://lex.uz/ru/docs/214651>; 2004 йил 29 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 299-сон қарори//<https://lex.uz/ru/docs/337355>

21. ЎМА. М-69 фонд, 1-рўйхат, 88-иш, 53- варак.
22. 1998 - “Оила йили”даги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 январдаги “Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар давлат дастури тўғрисида”ги 45-сонли қарори// <https://lex.uz/docs/692590>; 1999 -“Аёллар йили”даги ЎзРВМнинг 1999 йил 18 февралдаги “Хотин-қизларнинг оиласидаги, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтириш, уларнинг хукуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида”ги 73-сонли қарори//<https://lex.uz/docs/2291986>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия” номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-кувватлаш тўғрисида” 2326-сонли Фармони// <https://lex.uz/docs/213812>; 2000 - “Соғлом авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги 2000 йил 15 февралдаги ЎзРВМнинг 46-сон қарори//<https://lex.uz/acts/261518>; 2001 - “Оналар ва болалар йили” муносабати билан кабул қилинган 2001 йил 5 февралдаги ЎзРВМнинг 68-сон қарори//<https://lex.uz/acts/388442>; 2012-“Мустаҳкам оила”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат дастури тўғрисидаги 2012 йил 27 февралдаги ПҚ-1717-сон қарори// <https://www.lex.uz/acts/1967131>; 2014 - “Соғлом бола”да Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 февралдаги ПҚ-2133-сон қарори//<https://www.lex.uz/docs/2347400>; 2016 - “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 09.02.2016 йилдаги ПҚ-2487-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 32-сон Қарори шулар жумласидандир.
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1999 йил 17 марта даги № ПФ-2246 Фармони// <https://lex.uz/docs/212762?twolang=true>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишилаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солик солиш тўғрисида”ги 1999 йил 17 марта даги № 117 сонли Қарори// <https://www.lex.uz/ru/docs/279136?twolang=true>; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги 1999 йил 14 апрелдаги №760-1 сонли Қонуни// <https://lex.uz/docs/10550>;
24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги “Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги ПФ-2326-сон Фармони //<https://lex.uz/docs/213812?ONDATE=01.02.2019>
25. Зулфия номидаги давлат мукофоти тўғрисида Низом (ЎзР Президентининг 10.06.1999 й. ПФ-2326-сон Фармонига 1-илова) | Давлат мукофотлари | Давлат мукофотлари. Фахрий унвонлар. Ном бериш | Давлат хукуқий тизими асослари | ЎзР Конунчилиги Маълумотлар тизими «Зулфия номидаги давлат мукофоти тўғрисида Низом (ЎзР Президентининг 10.06.1999 й. ПФ-2326-сон Фармонига 1-илова)» | NRM.uz<sup>1</sup>
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 марта даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон «Зулфия номидаги

давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги фармонига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги ПФ-5389-сон фармони <https://www.Lex.uz/docs/3602636>

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 5 мартағи ПҚ-155-сон қарори//<https://yuz.uz/news/zulfiya-nomidagi-davlat-mukofoti-bilan-taqdirlash-togrisi>
28. Гуломова Д. Ўзбекистон хотин-қизлари мустақиллик йилларида//Мустақил Узбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари.-Т.: Шарқ, 2000. – Б.138.
29. ЎМА. М-69 жамғарма, 1-рўйхат, 88-иш, 54-варап.
30. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда; Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль. 28 (6722)-сон.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325сонли Фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2019 й., 06/19/5840/3826-сон//lex.uz; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи ПФ-4235-сон “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуклари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори///<https://lex.uz/docs/4230944>; 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли Фармони// <https://lex.uz/docs/4740345>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироқини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сон Қарори//<https://lex.uz/docs/5320582>
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/3546742>;
33. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқидан//<https://president.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 07.03.2019// <https://president.uz/uz/2417>
34. Баситханова Э. Ўзбекистон аёли: тарих ва тараққиёт. Аёл ҳуқуқи қадимий қадриятдир. // Мустақил Ўзбекистон аёллари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –Б.3.; Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг жорий архиви, 2013 йил маълумотлари.
35. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлиб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқидан//<https://president.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти. 06.03.2021// <https://president.uz/uz/lists/view/4212>
36. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазииклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ -561-сон Қонуни//<https://www.lex.uz/docs/4494709>; Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлар тўғрисида”ги ЎРҚ -562-сон Қонуни // <https://lex.uz/docs/4494849>; “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 11.03.2019 йилдаги ЎРҚ-528-сон//<https://lex.uz/ru/docs/4233891>
37. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазииклар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ -561-сон Қонуни//<https://www.lex.uz/docs/4494709>

38. “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 11.04.2023 йилдаги ЎРҚ-829-сон//<https://lex.uz/docs/6430272>
39. <https://sputniknews.uz/20200917/imoya-orderi-nima-va-uni-anday-olsa-bladi---mayor-Khzhazarova-bilan-subat-14995683.html>
40. 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-кувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент ПФ-5938-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4740345>.
41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-кувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПҚ-4602-сонли қарори//<https://lex.uz/docs/4740335>
42. Абдуллаева О. Хотин-қизлар Кенгashi - ижтимоий ҳаётимиздаги муҳим орган//<https://xs.uz/uzkr/post/khotin-qizlar-kengashi-izhtimoij-hayotimizdagi-muhim-organ>
43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон)
44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январьдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони// <https://lex.uz/docs/5841063>
45. Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ташкил этилди, унга Зулайҳо Маҳкамова раҳбарлик қиласиди//<https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/01/women-committee/>; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-кувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сонли Фармони// <https://lex.uz/uz/docs/5884143>
46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартдаги “Оила ва хотин - қизларни тизимли қўллаб-кувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87-сонли Фармони//<https://lex.uz/pdfs/5899498>.
47. Президент Шавкат Мирзиёев раислигига хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оиласиди зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан// 01.03.2022//[https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz](https://t.me/Press_Secretary_Uz)
48. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 мартдаги Халқаро хотин-қизлар кунига бағищлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи//<https://president.uz/uz/2417>

# ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)

ООО Tadqiqot город Ташкент,

улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000